

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «31» 5

2022-405-1-17-ОВ-  
сон

Асака ш.

**Асака тумани ободонлантириш бошкармаси бошлиги**

В.Парниев кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи, бир томондан, «**Норма Курилиш Кансталтиинг** » МЧЖ номидан корхона Низоми асосида директор **К.Шаропов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуидаги шартномани туздилар.

**I. Шартнома мазмуни**

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуидаги бино ва иншоотларни қурилиш ишларига ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

**1.2. Объект номи :**

**Асака тумани “Кадим МФЙ “Узун” қўчасини жорий тамирлаш ишлари учун смета лойиха хужжатларини тайёрлаб бериш ишлари**  
Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартноманинг баҳоси**

2.1.Шартноманинг умумий баҳоси **23 800 000 (йигирма уч миллион саккиз юз )сўмни ташкил этади.**

2.2. Кушимча ишлар пайдо бўлганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

**III. Тўлов шартлари.**

3.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома туман газначиликдан руйзатдан утгандан сунг бажарилган ишларни қабул қилиш учун шартнома умумий қийматининг олдиндан **30** фоизи миқдорида **7 140 000** сум аванс туловини амалга оширади. Колган **70% 16 660 000 сўмни** бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.  
3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

**IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари (лойихалаш топшириқлари, техник топширик ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил \_5 июн кунига кадар ишларни түлиқ Буюртмачига топширади;

- белгиланған режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;

- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;

- ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор киласди;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳакли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;

- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;

- Бажарувчи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;

- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

## V. Ишин топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлик ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойихалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш— топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи хисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

- 5.5. Буюртмачи ишни қабул килишини асосли рад этса, күшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажарини муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.
- 5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичидаги хабардор қиладилар.
- 5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни давом эттириши мақсадга мувоғик эмас деб топилгандаги, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

## **VI. Томонларнинг жавобгарлиги**

- 6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни тўлайди.
- 6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вактида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган хар бир куни учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняning сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.3. Бажарувчи ўз вактида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб борилган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняning сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз хисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

## **VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари**

- 7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суди томонидан ҳал этилади.

## IX. Бошқа шартлар

- 9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса хақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиqlаниши керак.
- 9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2 нусхада** тузилди.
- 9.4. Шартноманинг амал қилиш мuddати 31 декабрь 2022 йилгacha

## . Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Асака туман Ободонлаштириш бошкармаси	«Норма Курилиш Консалтинг» МЧЖ
Асака шахар Сохил Бўйи кўчаси 8а уй	Асака шахар сохил буйи 8 уй
ТИФ Миллий банк Асака филиали	“миллий банк “Асака”филиали
МФО:00878 197 ИИН: 205 578 197 ш/x-в 4001722860032247045204110002	x/p 20208000000898596001
Уз.Рес.Молия ваз.Гази. бул х/р 23402000300100001010 мфо 60014 ИИН 201122919 Директор :  V.Парпиев	МФО:00893 ИИН: 305637531 ОКОНХ:66000 Директор :  К.Шаропо



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№ UN64585481**

1. Loyihaning turi

**Shartnomा**

2. Loyihaning nomi

Asaka tumani obodonlashtirish boshkarmasi bilan Norma Kurilish  
Kanstanling » MChJ o‘rtasida tuzilgan 23 800 000 (yigirma uch million  
sakkiz yuz ) so‘mlik pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidadagi ma’lumot  
Asaka tumani obodonlashtirish boshqarmasi 30.05.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul  
qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**D.A.Urmanova**

**2022 yil 31 may**